



**ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УШБУ СОҲАДАГИ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ
КУЧАЙТИРИЛМОҚДА**

Л.Хазраткулов

жиноят ишлари бўйича

Марғилон шаҳар судининг судьяси

Аннотация: Мазкур мақолада ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатларининг олдини олиш ва соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чораларини кучайтиришга қаратилган қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар таҳлил қилинган. Хусусан, ердан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларининг кучайтирилиши, суд жараёнларида ушбу ҳолатларни кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ер участкаларининг мақсадли фойдаланилишини таъминлаш бўйича янги механизмлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Мазкур ислоҳотлар ер эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва ҳуқуқбузарликларни камайитишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: Ер ресурслари, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ердан самарали фойдаланиш, ҳуқуқбузарликлар, қонунчилик ислоҳотлари, суд жараёнлари, мулкӣ ҳуқуқлар, жиноий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, давлат мулки.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ер ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишини олдини олиш орқали ер эгаларининг



мулкий ҳуқуқлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада 2024 йил 15 ноябрь куни қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни** мазкур ислоҳотларнинг мантикий давоми бўлди.

Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Жиноят-процессуал кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ердан фойдаланиш ҳақидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, Фуқаролик процессуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодекси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ишлар бўйича алоҳида иш юритилишини назарда тутувчи қоидалар билан тўлдирилди, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод этилиши белгиланди.

Хусусан, **Жиноят кодексига киритилган ўзгартишларга кўра,**
1) 229¹-моддаси (*Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш*)
1-қисмида назарда тутилган жиноятни, яъни ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси



тайинланиши; 2-қисми, яъни суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланди;

2) 229⁴-моддаси (*Ер бериш тартибини бузиш*) 1-қисми, яъни ер бериш тартибини бузиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, бир йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тайинланишини;

2-қисми диспозицияси “в” банд (*бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса*) билан тўлдирилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланишини назарда тутмоқда.

Шунингдек, **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси** (*Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш*)га киритилган **ўзгартишларга мувофиқ**, ушбу модданинг 2-қисми, яъни ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиб, санкциясидаги “фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари, мансабдор шахсларга эса — эллик баравари” деган сўзлар “фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари, мансабдор шахсларга эса — етмиш баравари” деган сўзлар билан;

учинчи қисми (*Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташ бўлган ва туташ бўлмаган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш*)нинг санкциясидаги “бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса — уч юз баравари” деган сўзлар “икки юз баравари, мансабдор шахсларга эса — тўрт юз баравари” деган сўзлар билан алмаштирилди.

Бундан ташқари, **Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекси** “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш



тўғрисидаги ишларни юритишининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган 23²-боб билан тўлдирилиб, мазкур бобда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ишлар бўйича алоҳида иш юритилишини назарда тутувчи қоидалар билан мустаҳкамланди.

Юқоридаги Кодексларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг **яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки**, Қонунга кўра, прокурор ёки ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишни (бузиб ташлашни) ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлмоқда.

Шу билан бирга, юқоридаги орган ва прокурор ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилганда, **даъво аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг ҳам қатъий рўйхати** белгиланиб, бу Фуқаролик процессуал кодексининг 23²-бобида 270⁸-моддасида, Иқтисодий процессуал кодексининг 23²-бобида 203⁸-моддасида ўз аксини топди ва ушбу ҳужжатлар қуйидагилардан иборатлиги кўрсатиб ўтилди:

- қонунчилик талаблари бузилганлиги тўғрисида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишни (бузиб ташлашни) ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан тузилган далолатнома;
- ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишни (бузиб ташлашни) ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органининг қонун бузилишларини ихтиёрий равишда бартараф этиш тўғрисидаги огоҳлантириши;



- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Мазкур бобларда белгиланган тартибга кўра, эндиликда киритилган даъво аризаси бўйича суд муҳокамаси судья даъво аризасини иш юритувиغا қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарган кундан эътиборан 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилиши ва яқунда суд ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш ёхуд ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиши шартлиги белгиланди.

Ўз навбатида, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги иш бўйича келишув битими ёки медиатив келишув тузилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш тўғрисидаги талаб суд томонидан қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида:

- 1) қайтарилаётган ер участкасининг майдони ва жойлашган жойи (манзили);
- 2) ер участкаси тасарруфига қайтарилаётган давлат органи кўрсатилиши керак.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги талаб суд томонидан қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида эса:

- 1) ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг манзили ва тавсифи;
- 2) бузилиши лозим бўлган иморат кўрсатилиши керак.

Суднинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикояти (протести)



берилмаган бўлса, у қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин уч иш куни ичида суд томонидан ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади ёки тилхат олиб топширилади, ушбу шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда эса ҳал қилув қарори электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликка киритилган мазур ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, ер эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини кафолатлаш, фуқароларнинг қонун олдидаги бурч ва масъулиятларини оширишига хизмат қилиши билан бирга ер участкаларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлашга, уларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва ўзбошимчалик билан иморатлар қуриш ҳолатларининг камайишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адлия нашриёти, 2024.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Адлия нашриёти, 2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Тошкент: Адлия нашриёти, 2024.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Тошкент: Адлия нашриёти, 2024.



5. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. – Тошкент: Адлия нашриёти, 2024.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 ноябрдаги “Ер участкаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
7. “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент: Адлия нашриёти, 2024.
8. Ҳазраткулов Л. **"Ер участкаларидан фойдаланиш ва ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари."** – Марғилон шаҳар суди нашриёти, 2024.
9. Эргашев Ж. **"Ер муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши."** – Тошкент: Юридик адабиётлар нашриёти, 2023.
10. Турсунов Ш. **"Фуқаролик ҳуқуқлари ва мулкка эгалик масалалари."** – Самарқанд: Зарафшон нашриёти, 2022.